

*) Боши газетамизнинг 7, 10, 12, 19 сентябрь сонларида босилган.

СССР Медицина Фанлари академияси билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий сессиясига

Совет медицинасининг янги равнақи учун!

СССРда безгакни тугатишнинг илмий асослари

Проф. П. Г. СЕРГИЕВ,

СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси

Сўнгги йилларда безгакнинг патогенети, уни даволаш ва профилактикасини ўрганиш соҳасида кўпга кўпайган муваффақиятлар (паразитларнинг эритроцитлардан ташқарида ривожланиши циклининг кашф этилиши, янги синтетик препаратларнинг яратилиши, безгакка қарши кураш йилларида узоқ таъсир этадиган инсектицидларнинг расм бўлиши ва ҳоказо) безгакни тез тугатиш учун гарчи рақибан метод бермаган бўлса ҳам, бу касалликка қарши курашда бизни кураётганларидан ва социалистик ҳўналанишнинг план асосида олиб бориш ва совет соғлиқни сақлаш системасининг афзалликлари билан фойдаланиб туриб, янги йилларда СССРда безгакни тамоман тугатиш вазифасини ҳозирда ёқ ўртага қўйиш имкониятини беради.

СССРда безгакни тугатиш мақсадида, биринчи даволаш ва профилактика тадбирлари ишлаб чиқилди, бу тадбирлар безгакка эпидемиология заминининг ҳамма асноларига: инфекция манбаи бўлган беморга, безгак тарқатувчи аносфелос чивиларга ва соғлом кишиларга безгак юқишдан сақлашга қаратилган.

Уч кунлик безгак паразити штаммларининг хусусиятларини ўрганиш, узоқ йилубандон даврининг моҳиятини очиб, масъумий рецидивларнинг бошланиш муддатларини ва безгакнинг турли формаларида инфекциянинг янча вақт давом этишини, ҳарқил синтетик препаратларнинг қандай таъсир этишини аниқлаш ва безгакка қарши янги актив бирикмаларни янгувда келтириш асосида биринчи даволаш-профилактика тадбирлари ишлаб чиқилди, улар безгак билан оғриган ҳарбир бемор учун қўйилмади. Бу тадбирлар широнидан ва таъсирдор препаратлар билан бир ой даволаш, қўйилмади реңида қарши даволаш ва безгак кўп юқадиган масъум давомда жомат химиопрофилактикасини ўтказишдан иборатдир.

Юқорида кўрсатилган даволаш-профилактика тадбирлари комплексини тўғри ўтказиш иситма тутишини тез тўғатиш ва рецидивнинг олдини олиш (клиник соғайиш), шунингдек беморнинг чивиларга юқумлигини тугатиш (эпидемиология жиҳатдан юқумсизланиши) таъминлади. Натигада инфекция манба'лари жуда камийиб кетди, бу эса эпидемиология процессининг сусайишига олиб келди.

Аносфелос номли чивиларга қарши курашдаги асосий тадбирлар чивил личиналарини йўқ қилишдан иборат бўлди, бунинг учун париж кўни ва нефте сепини усули қўйилди. Урушдан кейинги давра эса қимматга туғадиган ва кўп меҳнат талаб қиладиган бу тадбирлар ўрнига чидамли инсектицид

лардан ДДТ ва гексахлорциклоксанни ишлатиш йўли билан антимагинал тадбирлар тобора кўпроқ қўлланила бошлади.

Аносфелос номли чивиларнинг кўпчилиги уй ҳайвонларининг қонини сўриб оқинади, шунинг ҳисобга олиб безгакнинг зоопротифактика методлари ишлаб чиқилди ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг қонини сўриб оқиналувчи чивиларга ДДТ қандай таъсир этишини текшириш мақсадида шу ҳайвонлар ДДТ билан тозаланди. Сўнгги йилларда чивиларга қарши курашда инсектицидларнинг аэрозоллари ишлатилиб, синаб кўрилмади.

Безгакнинг интенсив ўчоқларида химиопрофилактикани бутун аҳоли ўртасида қўлланиш тавсия этилади. Препаратларни тез-тез, мунтазам равишда бериш зарур бўлганидан келиб чиқадиган қиёичиларлар даражам ёни бағумлаш ва пашшахоналардан кенг фойдаланиш, худди шунингдек, безгак кўп тарқалган жойлардаги ани махсус широниди: а) безгак юқиш хавфи бўлса очиб хонада пашшахона тутиб ётиш ва б) чивиларнинг инфекция юқишдан сақлаш мақсадида безгакли беморлар учун пашшахона тутиб бериш тавсия этилади.

СССРда ботқоқликларни қуритиш юзасидан қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган гидромеелорация тадбирлари, шунингдек чорвачиликни ривожлантириш планни юзасидан қўйилган тадбирлар аҳоли йшайдиган жойларни соғайтиш учун қолт катта аҳамиятга эгадир, чорвачиликни ривожлантириш чивиларини одамдан қалтиришга имкон беради.

Ҳарбир район (област)даги конкрет эпидемиология ма'лумотларини ҳисобга олиш асосида ҳар йили безгакка қарши тадбирлар планни тузилади, бу планни Совет ҳокимияти органлари тасдиқлайди. Иттифоқчи республикалар миқёсида тадбирлар планини иттифоқчи республиканинг Министрлар Совети тасдиқлайди. Бу планни амалга ошириш учун махсус маблаглар ажратилди. Безгакка қарши кураш ва бу касалликнинг олдини олиш йўлидаги тадбирлар давлат маблаглари ҳисобига амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш ва техника хавфсизлиги темасида цикл лекциялар

Сталин номидаги Тошкент тўрмачилик комбинатининг касабасоюз комитети, медицина-санитария бўлими ва тўрмачиларнинг Мадаания саройи 1954 йил сентябрдан 1955 йил март ойигача «Меҳнаткашларнинг соғлиқни сақлаш ва техника хавфсизлиги» темасида биринчи лекциялар уюштиришни лозим топди. Лекциялар ҳар ҳафтанинг жума кунлари бўлади, лекциядан сўнг шу темага оид кинофильм кўрсатилади.

Янгида «Совет медицинасининг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган муваффақиятлари» деган темада лекция бўлди. Лекцияга комбинат ишчилари, хизматчилари ва кинер-техник ходимлари актив иштирок этдилар.

Лекторий сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойларида «Кишининг кўринмас душманлари» (кинофильм — «Дизентериядан сақланиш»), «Сил касали, уни даволаш ва олдини олиш» (Кинофильм — «Сил касали билан оғриган кишини даволаш»), «Қўз травматизмидан қандай сақланиш керак» (кинофильм — «Қўлар яна қўраболойди»), «Фан ва техника» каби ва бошқа темаларда лекциялар ўтказилиши планлаштирилди. Бу лекцияларини врачлардан В. Лоскутов, С. Кузьмина, Д. Рибухина ва доцент Тарновскийлар ўқиди.

Х. ҚАЮМОВ.

Она ва болаларнинг соғлиги тўғрисида ғамхўрлик

З. М. ЖАМОЛОВА,

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўринбосари

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган билан Ўзбек халқининг ҳаётида чинакам янги давр бошланди ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари учун замин яратилди. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари жуда зўр сифий ва натижадор аҳамиятга эга бўлди ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

Октябрь революцияси қадар Ўзбек хотин-қизлари қуллик шароитида ҳаёт кечирар эдилар. Хотин-қизлар жамиятдан ажралган ҳолда ичкарида яшар, паранин-чачвон ёниб юрар эдилар. Турмуш шароитлари диннинг талабига мувофиқ, одат ва шариатга қараб белгиланар эди. Хотин-қизлар ва болалар медицина ердан маҳрум эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига Ўзбекистонда туғадиган хотинларга ҳечқандай уюшган ердан берилмас эди. Фақат шаҳар буржуазиясининг бой табақаларини врач ва акушерлар ердан маҳрум қилинган эдилар, ҳалос, Лекин бу врач ва акушерларнинг сони жуда оз эди. Кўпчилик хотин-қизлар тақдир эса табиблар, эшонлар ва дуохонлар ихтиёрига тапшаб қўйилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижада Ўзбек хотин-қизлари асрлардан бери давом этиб келган зулм, эксплуатация ва ҳуқуқсизликдан батамом озод бўдилар. Совет Ўзбекистонда хотин-қизлар социалистик жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб давлатни идора қилиш ишларида аниқ қатнашмоқдалар, заводларда, колхоз ва совхозларда, совет муассасаларида, илмий таъминотларда ерлар билан бир қаторда ишламоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиздаги хотин-қизларга ҳар жиҳатдан таъминланган бахтли оналик учун ҳамма шароитлар яратилган. Бунинг ҳукуматининг абортиги тақиқланган, оналарга бериладиган моддий ёрдамни кўпайтириш, кўп болалик оналарга давлат ердари бериб туриш, туғруқхоналар, болалар яслилари ва болалар боқчалари тўрмоқларини кенгайтириш тўғрисидаги қарорлари, «Иҳа-рамон она» деган фахрий унвонининг белгилаш, «Оналик шўҳрати» ордени ва «Оналик медал»нинг та'сис этилиши яққол кўрсатиб турибди.

Октябрь революциясидан кейинги дастлабки икки-уч йил ичида, Совет ҳокимияти жаҳон уруши ва граждон урушининг оғир оқибатларини йўқотишга қаршилан вақтда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш органлари ўз эътиборини оммадаги ақваликни уюштиришга, болалар бокимсизлигига қарши курашга қаратган эди.

Бу даврда хотин-қизлар бўлимларининг ердари билан хотин-қиз вакиллари йнгилишлари орқали оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларини амалга

ошириш учун кенг агитация ишлари олиб борилади. 1920 йилдан 1924 йилгача ўтган давр ичида Туркистон республикасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун санъат муассасаси очилган эди. Буларнинг олтиаси ёниг тилда (Тошкент, Қўқон, Анхобод, Маргилон, Самарқанд) биттадан болалар уйи, Тошкентда битта оналар ва болалар уйи) қолган иккитаси эса очиб тили эди. 1922 йилда дастлабки икитта болалар консултацияси очилди.

1927 йилга келиб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларининг сони юздан ошиб кетди.

Агар Октябр Революциясига қадар Ўзбекистонда 62 койкалик бирнегача хусусий туғруқхона ва учта етимхона бўлган бўлса, ўттиз йил ичида Совет Ўзбекистон хотинлар ва болаларни даволайдиган муассасалар тўрмоғи билан тўла таъминланди.

Туғруқхоналарга қарашли хотинлар консултациялари — даволаш-профилактика муассасаларининг дастлабки бўлими ҳисобланади. Бу муассаса она бўлувчи хотинларнинг гигиена жиҳатидан тарбиялаб, уларнинг умумий соғлиқни сақлаш юзасидан катта профилактика ишлари олиб бормоқда, патология ҳолатларининг олдини олиб, ҳомилдорлик даврининг тўғри кечилиши таъминламоқда, ўз вақтида нормал туғиш учун, онанинг ва боланинг соғлиги учун кераклик шароитлар яратиб бормоқда. Хотинлар консултацияси И. П. Павлов та'лимоти асосида ҳомилдор хотинларнинг қийналмасдан туғиш учун психопрофилактика ишларини олиб бормоқда. Туғруқхоналар ўрқали консултация бўлимлари орқали ҳомилдор хотинларни кузатиб бориб, уларга малакалик медицина ердари берадилар.

Республикамизнинг шаҳарларидаги она эмас, балки районларда ҳам қўлгина туғруқхоналар ва уларнинг бўлимлари очилган. 1936 йилдан бошлаб колхозларда туғруқхоналар ташкил қилина бошлади. 1954 йилда уларнинг сони беш марта кўпайди, улардаги койка сони эса санъат марта ордиги.

Ҳомилдор хотинларни олдиндан назорат қилиб туриш, уларни амбулаторида даволаш, уларга гинекология ердари беришнинг хотинлар консултациялари, бирлашган хотин ва болалар консултациялари ҳамда фельдшерлик-акушерлик пунктлари амалга оширмоқда. Улуғ Октябр социалистик революциясига бундай даволаш ва профилактика муассасалари умуман йўқ эди. Ҳозирги вақтда эса республикамизда бундай муас

сасаларнинг сони 1000га етай деб қолди.

Совет ҳокимиятининг ўттиз йиллик даврида Ўзбекистонда болалар касалхоналарининг сони 25 марта кўпайди, улардаги койкаларнинг сони 80 марта ордиги.

1954 йилга келиб шаҳарларда доимий яслиларнинг сони қарийб 10 марта, қишлоқларда эса 30 марта ордиги; улардаги койкаларнинг сони ҳам шунча марта кўпайди. Дала ишлари қизиган даврда колхозларда ташкил қилинадиган масъумий яслиларнинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда, улар 160 мингдан ошиб болани ўз қучоғига олган. Шаҳар ва қишлоқларда болалар консултация-поликленикаларининг сони 10 марта кўпайди.

Совет медицинасининг асосий мақсади одамга қарқолдиқдан бошлаб мутасил медицина ердари кўрсатишдан иборатдир. Болалар касалхонаси, унинг консултация-поликленика ва стационар бўлимлари болаларга туғулгандан бошлаб 14 ёшга киргунча хизмат қиладди.

Болаларни қақалоқлик вағидан бошлаб тўғри парвариш қилиш ва тўғри эминлини таъминлашга алоҳида эътибор бериломоқда, бунинг учун республикамизда сўт ошхоналари ва пунктлари очилган. Болалар касалхоналари қонда кўкрак сўти пунктлари ташкил этилган, уларда кўнгилли доғлардан олдин сўт кўкрак сўтини эмолмай қолган болаларга етказиб турилади. Болалар учун очилган сўт ошхоналари болаларни шифобахш ошқалар билан таъминлаш вазифасини бажарди.

Соғлом ёш авлодин тарбиялаш учун ёш соғламлаштирувчи санатория тадбирлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар йили 400 мингдан ортиқ мактаб ёшларидан ва мактаб ёшларга бўлган болалар санаториялари, пионер лагерларида ва болалар майдончаларида дам олиб, ўз соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Болалар муассасалари ва туғишга ердан берадиган даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тўрмоқ ёйиши профилактика тадбирларини кенг суратда амалга оширишга имкон беради, беморларни барвақт касалхонага етириш ва энг янги даволаш усулларини ўз вақтида қўлланишни таъминлади. Шу тадбирларни амалга ошириш натижада болалар ва оналар ўртасида касалланиш ва ўлиш ҳодалари анча камийди.

Юқорида келтирилган ма'лумотлар шу нарсани аниқ қўрсатадики, социалистик Ўзбекистонда оналик ва болаликни муваффақиятли суратда муҳофаза қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўзбекистонда Коммунистик партия раҳбарлиги остида ҳақнинг моддий фаровонлигини узлуқсиз ўстириш, хотинларнинг ҳақини тенг ҳуқуқлининг таъминлаш амалга оширилган. Болалар ва оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат иши ҳисобланади.



Суратда: Сессия делегатлари янги медицина ускуналарини кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Халқ хизмати йўлида

Шу кунларда республикамиз пойтахтининг мадаиян ҳаётида аjoyиб воқеалар бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ленин номидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг пахтачиликни янгида ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий сессиясидан бирнеча кун кейин СССР Медицина фанлари академияси билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўлкадаги патология ва паразитология масалаларига бағишланган илмий сессияси бошланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрининг ҳашаматли биноси байрам тусини олган. Москва, Ленинград, Сталинобод, Тбилиси, Вюк, Анхобод, Олмаота, Фрунзе, Омск ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида келган йирик медицина олимлари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари, улкага ҳарактерли касалликларини ўрганиш соҳасида қилинган ишларни аниқлаш ва набаздатга вазифаларини белгилаш учун шу ерга тўғилганлар.

Илмий сессияда чет эллардан келган кўпгина меҳмонлар қатнашаётганини ҳаммадан кўриш мумкин. Меҳмонлар орасида Хитой Халқ Республикаси медицина ходимларининг Ғарбий-Кавказий Хитой Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Лу Цан-цин бошчилигидаги делегацияси, Юра Халқ-Демократик Республикасининг ИХДР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси профессор Цой Ин Сен бошчилигидаги медицина олимлари, Каттуттадаги Бутуниттифонг гигиена институтининг директори Кумарашур Вайлленг Кришнан бошчилигидаги хитой олимлари делегацияси, Бирма Иттифоқчи олимларининг Рангун университетидеги медицина факультети декани, медицина профессори Мин Сейн бошчилигидаги делегацияси, Мўғулистон Халқ Республикаси медицина ходимларининг МХР Соғлиқни сақлаш министри доктор Туван бошчилигидаги делегацияси, Индонезия олимларининг медицина фанлари доктори профессор Сутопо раҳбарлигидаги бир

группаси, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган поляк медицина олимларининг Польша Халқ Республикаси Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўринбосари Б. Ю. Бедарский бошчилигидаги бир группаси ва бошқалар бор.

Республикамиз пойтахтининг меҳнаткашлари СССР Медицина фанлари академияси билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий сессиясида чегаро олимлари делегацияларининг иштироки билан Тошкентда ўтказилаётганлиги учун ҳақини равишда фахрланмоқдалар. Бу сессия совет медицинасини янгида ривожлантиришда катта роль ўйнайди, ҳақлар ўртасида мадаиян алоқаларни янгида мустаҳкамлаш ишига, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўладиган, бунга ҳечқандай шубҳа йўқ.

Сессияда муҳокима қилинаётган масалалар совет медицинасининг турмуш билан, практика билан чамбарчас боғланганлигини ва халқ мамлакатлари учун хизмат қилаётганлигини яққол кўрсатади.

Қўллик закирларини уюктириб ташлаш халқ нақадар кўп ишлар қиладиганлиги илгари қоризм мустамакаси бўлган ҳозирги Ўзбекистон миқолида айниқ, ас яққол кўриш мумкин. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин ўзбекистондан ба бирон врач ва ба бирон фельдшер бўлмаган Ўзбекистонда ҳозир ўзбекистондан 20 дан ортиқ медицина фанлари докторлари ва 90 дан ортиқ медицина фанлари кандидатлари ишлаб турибди. Ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан ана шу олимлар рус, украин ва бошқа қардош халқларнинг олимлари билан ҳамжиҳат бўлиб совет медицинасини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Улар назарий, профилактика ва клиник медицина соҳасида, айниқса ўлкага ҳарактерли касалликлардан рившга, безгак, лейшманиоз, гелминтоз, бруцелла, бўғоқ каби касалликларга қарши курашда катта ютуқларга эришдилар. Ўзбек олимлари истисроли тепа

тининг сабабларини, илгари сабаби нома'лум бўлган энцифалит касаллигининг тарқалиш йўллари аниқлаб, медицина фанига катта-катта янгилик қўшдилар. Шарқдаги мустамака халқлар совет Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва медицина соҳасида эришилган муваффақиятлардан кўп нарсга ўрганиб олсалар бўлади.

Илмий сессия қатнашчилари академик Евгений Илнаторович Павловскийнинг «Трансиссивсиз ва паразитар касалликларнинг табиий ўчоқлари ва уларнинг ландшафт эпидемиологияси билан боғланганлиги» деган темадаги докладини мароқ билан тингладилар. Қонсура ҳашаротлар ва каналар тарқатқадиган (трансиссивсиз) касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақинда масала янги ерлар ўзлаштириладиган ҳозирги вақтда айниқса актуал масалалар.

Совет медицина ва биология фани меҳнаткашлар соғлиқни сақлаш учун курашар экан, касалликларнинг олдини олиш масаласига катта аҳамият беради. Бу масалани муваффақиятли ҳал этмоқ учун касалликларнинг табиий ўчоқларини, тарқалиш хусусиятларини билимоқ керак. Шу мақсадда академик Е. Н. Павловский ва унинг ҳамюрлари Ўрта Осёё, Қозогистон, Кавказ, Қрим, Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ ва бошқа жойларга 160 дан ортиқ экспедиция уюштириб, уларни медицина нуқтаи назаридан текширишлар ва шу асосда киши касалликларининг табиий ўчоқлари ҳақинда та'лимотини яратиб, медицина фанида янги саҳифа очдилар. Евгений Илнаторович Павловский Ватан олдидаги катта хизматлари ва қимматли илмий-текширишлари учун бир

неча марта Ленин ордени билан мукофотланган ва икки марта Сталин мукофоти билан тақдирланган. У СССР Олий Советининг депутатыдир. Академик Е. Н. Павловскийнинг илм-фан соҳасидаги муваффақиятлари мамлакатимиздагина эмас, четелларда ҳам машҳур.

Революциядан олдинги даврда кенг тарқалиб кишиларнинг тинчасини қуритган ва талай одамларни ноғуд қилган безгак касаллиги ким биламиди дейсан! Капиталистик давлатларда, мустамака ва қарам мамлакатларда бу касаллик халқ учун оғат ҳисобланади. 7 миллион аҳолиси бўлган Грецияда безгакли беморларнинг сони бир миллионга боради (демак, Грецияда ҳар етти кишидан бири безгакка муқабилдир!) Америка, Канада, Австралия, Мексикада ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларда ҳам аҳвол шундай.

Совет Иттифоқи безгакнинг олдини олиш ва даволаш учун давлат ишисидан мунтазам тадбирлар ишлаб чиқилган бирдан-бир мамлакатдир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ безгак безгакка қарши кураш олиб бориладиган махсус муассасалар барпо этила бошлади. Совет Иттифоқида безгакни жуда ҳам камайтиришга олиб келган комплекс тадбирларнинг ишлаб чиқилиши СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий а'золари П. Г. Сергиев, В. Н. Беклемешев, самарқандлик профессор Л. М. Исеев, москвали профессор В. А. Набоков ва бошқа совет олимларининг номи билан чамбарчас боғланган. Илмий сессия қатнашчилари бу олимларнинг

докладларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

СССР Медицина фанлари академияси ва Б. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси, Сталин мукофоти лауреати академик К. И. Сирябин бошчилигида бир гуруҳ совет олимларининг мамлакатимиздаги гигиена масалликлари (гельминтозларини ўрганиш соҳасидаги хизматлари натижадир. Академик К. И. Сирябин бутун ер юзидеги ҳайвонлар ва киши организмда паразитлик қилиб йшайдиган лес гиҷжаларининг 600 дан ортиқ турини янаҳон адабиётда биринчи бўлиб тасвир этган. Унинг шотирди профессор В. П. Подъяпольская организмни қарқолб гиҷинадан ҳалос қилиш учун асқарол номли дори билан даволаш методини топди ва бу қарқилғини учун 1951 йилда Сталин мукофотиغا сазовор бўлди. Подъяпольская методи СССРда ва четелларда кенг қўлланилади.

Ҳозирги вақтда совет медицинасининг асослари бутунлай йўқ янги ташлаш масаласини ҳал қилиш олдига турпти. Академик К. И. Сирябин, СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'золари В. П. Подъяпольская ва Ш. Д. Мокшоский, профессор Н. Н. Плотников (Москва), профессор Н. Г. Камолов (Тбилиси) ўз докладларида шу масалани ёритиб бердилар.

Ўрта Осёё республикаларида учрайдиган лейшманиоз касалликларини текширишда рус врачлари биринчи бўлиб майдонга чиқдилар. Тошкентда илгилан рус хирург П. Ф. Воронский 1998 йилда ёмон жароҳат микробини кашф этди. Совет олимни Н. И. Латисев ва унинг ҳам

Илмий сессияга бағишланган виставка

СССР Медицина фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий сессияси ўтаётган Алишер Навоий номи театрининг фойдаларида СССРда соғлиқни сақлаш масалаларига доир Виставка ташкил қилинган.

Виставканинг кириш залида 16 қардош совет республикаларида соғлиқни сақлаш учун маблаг сарфлашининг ортиб бораётганини кўрсатувчи диаграммалар чиройли стенд қўйилган. Барча республикаларда меҳнаткашлар соғлиқни сақлаш ишига йилдан-йилга кўпроқ маблаг ажратилмоқда.

Асосий залининг атрофида СССРда медицина илмий-текшириш институтларининг, медицина кадрларининг соғи ошайётганини, қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишларининг яқин кўлга қўйилганини, болалар ва хотин-қизлар соғлиқни сақлаш муассасалари сонининг ўсаяётганини ва ҳоказоларни ақс этдиручи 12 стенд қўйилган. 1913 йилдан 1953 йилгача Россияда туғруқхоналардаги ўғиллар сони 157 марта кўпайган. СССРда саноат қорхоналарида меҳнаткашлар соғлиқни сақлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Ўзбекистон ССРда соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланиши ақс этдирувчи материалларни виставкада катта ўрин берилган. Октябр революциясига ҳа Ўзбекистон территориясиде касалхоналар миқдори жуда кам эди. 1913 йилда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларда ҳаммаси бўлиб 184 ўғилли туғруқхона бўлса, ҳозир туғруқхоналардаги ўғиллар сони 10 мингдан ошиб кетди. Илмий ходимлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон илмий-текшириш институтларида 1940 йилда 184 илмий ходим ишлаган бўлса, 1953 йилда уларнинг сони 415 га етди. 1953 йилда 8 та медицина илмий-текшириш институти ва медицина ўқув юрталарида 361 фан доктори ва фан кандидати ишлади, булардан 120 киши ўзбеклардир.

Виставка залларидаги бири СССР санитария маорифига бағишланган. Бу ерда аҳолини санитария қонунлари, ерга риоя қилишга қарқилуш плакатлар, оммабон брошюралар, альбомлар қўйилган.

Театр фойесига совет медицинасида ишлатиладиган энг мукаммал асбоблар ҳам қўйилган. Клиник ўлимдан кейин қон айланисини тинглайдиган аппарат ҳаммаини диққатини ўзига жалб қилмоқда. Бу аппарат итларда тажриба қилиб қўйилганда, клиник тарзда ўлган ит 25 минутдан кейин ҳам тирилди кетган. Бу аппарат бу йил клиникларда синаб қўйилди. Айрим органларни кес

